



## About the subject of crimes that constitute illegal trafficking of narcotic drugs or psychotropic substances

**Akbar RASULEV<sup>1</sup>**

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received April 2021  
Received in revised form  
28 April 2022  
Accepted 20 May 2022  
Available online  
10 June 2022

**Keywords:**

subject of crime,  
object of crime, legal  
assessment,  
narcotic drugs,  
psychotropic substances,  
analogues of narcotic drugs  
and psychotropic  
substances,  
physical criterion,  
medical criterion,  
legal criterion,  
social criterion.

### ABSTRACT

In the article, based on the analysis of physical, medical, legal and social characteristics of the subject of crimes that constitute illicit trafficking in narcotic drugs or psychotropic substances, proposals for improving criminal legislation are formulated.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss5/S-pp239-245>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг предмети ҳақида

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

жиноят предмети,  
жиноят объекти,  
ҳуқуқий баҳолаш,  
гиёҳвандлик воситалар,  
психотроп моддалар,  
гиёҳвандлик воситалар ва  
психотроп моддаларнинг

Мақолада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар предметининг жисмоний, тиббий, ҳуқуқий ва ижтимоий белгиларнинг таҳлили асосида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар шакллантирилган.

<sup>1</sup> Senior lecturer, criminal law department, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: [rasulevi@mail.ru](mailto:rasulevi@mail.ru).

аналоглари,  
жисмоний мезон,  
тиббий мезон,  
ҳуқуқий мезон,  
ижтимоий мезон.

## **О предмете преступлений, составляющих незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ**

### **АННОТАЦИЯ**

#### **Ключевые слова:**

предмет преступления,  
объект преступления,  
правовая оценка,  
наркотические средства,  
психотропные вещества,  
аналоги наркотических и  
психотропных веществ,  
физический критерий,  
медицинский критерий,  
правовой критерий,  
социальный критерий.

В статье на основе анализа физического, медицинского, правового и социального признаков предмета преступлений, составляющих незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ, сформулированы предложения по совершенствованию уголовного законодательства.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ҳуқуқий баҳолашда жиноят предмети аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноят предметининг барча белгиларини ўрганиш жиной тажовуз объектини, жиноятларнинг моҳияти ва йўналтирилганлигини тўғри аниқлаш имконини беради.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг предмети сифатида гиёҳвандлик воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ҳамда прекурсорлар кўрсатилган. Ушбу предметларнинг тушунчалари амалдаги Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларда келтирилган. Жумладан, Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлимига мувофиқ:

– гиёҳвандлик воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатларига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

– гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

– психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999 йил 19 августда қабул қилинган Қонунининг 3-моддасида ушбу тушунчаларга айнан шундай таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган (I рўйхат) ва муомалада бўлиши чекланган (II рўйхат) гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли Қарорининг 4 ва 5-иловаларида келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат) ушбу Қарорнинг 6-илоvasида, Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорлар рўйхати (IV рўйхат) эса Қарорнинг 7-илоvasида келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари турли хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли инсон организмига давомийлиги бўйича турли таъсир кўрсатадилар. Шу билан бирга, ушбу предметлар қонун нуқтаи назардан бир хил аҳамиятга эга бўлиб, улар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноий ва маъмурий жавобгарликка асос бўлади. Бундан ташқари, барча гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддалар, уларни бошқа кучли таъсир қилувчи, заҳарловчи моддалар ёки дори воситаларидан фарқлаш имконини берувчи муайян белгиларга эга. Ушбу белгиларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда, кўрилатган жиноят предметларининг тушунчаси турли мезонлар билан боғланган ҳолда таҳлил қилинади. Масалан, С.П. Дидовскаянинг фикрига кўра, гиёҳвандлик воситалар тушунчаси мазмун ва расмий-ҳуқуқий иккита мезонларни ўз ичига олади. Мазмун мезонининг нуқтаи назардан, гиёҳвандлик воситалар – бу уларни истеъмол қилиш натижасида эйфория (объектив ҳолат билан боғлиқ бўлмаган димоғчоғлик, ўз-ўзидан, ғайриихтиёрий кўтаринки хурсанд ҳолат (асосан, руҳий касалларда, наркотик қабул қилганда кузатилади – муаллиф изоҳи) ҳолатини, мунтазам равишда истеъмол қилиш натижасида эса руҳий ва жисмоний тобеликни (гиёҳвандликни) юзага келтириш хусусиятига эга воситалар.

Расмий-ҳуқуқий мезонга кўра, аниқ гиёҳвандлик воситалар норматив хусусдаги халқаро ҳуқуқ ёки миллий ҳужжатларда белгиланган рўйхатларда кўрсатилган бўлиши лозим, акс ҳолда у ёки бу восита гиёҳвандлик воситаси сифатида тан олиниши мумкин эмас. Мазмун мезони – у ёки бу воситани гиёҳвандлик воситалар рўйхатига киритиш учун, расмий-ҳуқуқий эса кўрсатилган соҳадаги фармойишларни амалга оширувчи органлар учун кўрсатувчи белги ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва тиббиёт соҳадаги айрим олимларнинг фикрича, маълум бир воситани қайсидир гуруҳга киритиш учта – тиббий, юридик ва ижтимоий мезонларнинг жами орқали амалга оширилади.

А.Д. Невирконинг таъкидлашича, гиёҳвандлик воситаларнинг хусусиятларини тавсифловчи учта, яъни мақсадли, ижтимоий ва ҳуқуқий мезонлар ажратилади.

Мақсадли мезоннинг мазмунига кўра, модда марказий асаб тизимига ўзига хос (қўзғатувчи, седатив, галлюциоген ва бошқ.) таъсир кўрсатади ва айнан шу унинг тиббий бўлмаган мақсадларда қўлланилишининг сабаби ҳисобланади.

Ижтимоий мезон кўрилаётган моддаларни тиббий бўлмаган мақсадларда истеъмол қилиш кўламнинг кенгайиши ижтимоий аҳамиятга эга бўлаётганлигини ангалатади.

Юридик мезон эса юқоридаги иккита асосдан келиб чиқиб, тегишли ваколатли инстанция томонидан мазкур моддани махсус ҳуқуқий тартибга солинишни талаб этувчи модда деб эътироф этилиб, уни гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг рўйхатига киритишни талаб этади.

А.С. Якубов ва Р. Кабуловларнинг фикрича, мазкур тушунчаларнинг таҳлили, кўрилаётган предметларнинг табиатини жисмоний, тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий нуқтаи назарлардан тавсифловчи муҳим белгиларини ажратиш ва тизимлаштириш имконини беради.

Жисмоний мезонга кўра, гиёҳвандлик воситаларнинг келиб чиқишини табиий ва синтетик воситаларга ажратиш мумкин. Улар тиббиёт соҳасида ҳамда тиббий бўлмаган мақсадларда қўлланилиши мумкин.

Тиббий мезон гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддаларнинг инсон организмга бўлган таъсирини аниқлаш имконини беради.

Ҳуқуқий мезон гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини эркин муомаладан чиқарилганлигини ёки уларнинг муомаласини жиддий чегараланганлигини белгилайди.

Ижтимоий мезон гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ёки уларнинг прекурсорлари билан ғариқонуний равишда муомала қилиш натижасида ижтимоий муносабатларга жиддий зарар етказилишидан далолат беради. Айнан шу муносабат билан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар эркин муомаладан чиқариб ташланган ёки улар билан муомала қилиш учун махсус лицензия талаб этилади.

Жиноят предметининг барча белгилари бир-бири билан ўзаро боғлиқ, уларнинг бирортасини мавжуд бўлмаслиги жиноят предметининг мавжуд эмаслигидан далолат беради, бироқ жисмоний мезон, бизнинг назаримизда, асосий хусусиятларини белгиловчи ва келиб чиқишини тавсифловчи, ҳал қилувчи мезон ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатларини аниқлаш, улар ичидан истеъмол қилиш натижасида гиёҳвандлик ва заҳарвандликка олиб келиши мумкин бўлганларни ажратиш имконини беради ва шу билан бир вақтда, улар билан муомала қилганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатиб, наркотикларнинг юридик белгисини аниқлайди. Жиноят предметининг жисмоний хусусиятларини тўғри аниқлаш, жиноий қилмишларни ушбу восита ва моддаларнинг белгиланган сифат ва миқдор мезонларидан келиб чиқиб аниқ квалификация қилиш имконини беради, чунки амалдаги қонунчиликда ғайриқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдоридан ва у ёки бу восита ва моддани истеъмол қилинишининг хавфлилик даражасига кўра юридик (жиноий ва маъмурий) жавобгарлик дифференциация қилинган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида, биз гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг мазкур тадқиқот доирасида кўрилаётган жиноят предмети сифатида жисмоний, тиббий, ҳуқуқий ва ижтимоий мезонлар орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик.

Бундан ташқари, мазкур жиноят предмети ўзига хослиги, уларнинг аналогларини мавжудлигида намоён бўлади. 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг дастлабки таҳририда гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддаларнинг аналоглари, кўрилаётган жиноятнинг предмети сифатида белгиланмаган эди.

Бу борада махсус адабиётларда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг аналогларини тегишли жиноят-ҳуқуқий нормаларга жиноят предмети сифатида киритиш бўйича турли фикрлар билдирилган. Масалан, айрим олимларнинг фикрича, аналогларни жиноят предмети сифатида белгилаш амалий аҳамиятга эга бўлиб, амалдаги конвенциялар ва давлатларнинг ички қонунлари билан белгиланмаган янги воситаларни ишлаб чиқиш имконини чеклайди ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг аналогларини ғайриқонуний муомаласига тўсқинлик қилади.

Бошқаларнинг фикрига кўра, мазкур восита ва моддаларнинг аналогларининг қонунга киритилиши уларни аниқлашнинг тиббий ва юридик мезонларини ишлаб чиқишни тақозо этиб, биринчидан, гиёҳвандлик воситаларнинг рўйхатлари мавжуд бўлишини ва уларни доимо янгилаш заруратини бекор қилади, иккинчидан, айбдорларнинг мазкур моддалар гиёҳвандлик восита эканлигини билмаганлиги ҳақидаги ҳолат бўйича апелляция қилиш имконидан маҳрум этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–503-сонли Қонуни билан Жиноят кодексига гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг предмети сифатида гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари киритилди.

Гиёҳвандлик воситаларнинг аналогларининг ҳуқуқий тушунчаси илк маротаба Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-И-сонли Қонунида ўз ифодасини топган.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари деганда, кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар тушунилади.

Жиноят қонунчилиги мақсадлари учун гиёҳвандлик воситаларнинг аналоглари тушунчасининг ҳуқуқий жиҳатларини, уларнинг зарурий белгиларини ажратган ҳолда ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

А.В. Фёдоровнинг фикрича, аналогларнинг қуйидаги еттита зарурий белгилари ажратилади:

1. Келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.
2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари рўйхатига киритилмаган назоратга олинмаган моддалар.



3. Назоратга олинадиган, рўйхатига киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи моддалар.

4. Кимёвий тузилишига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш моддалар.

5. Хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш моддалар.

6. Муомаласи таъқиқланган моддалар.

7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари сифатида ўрнатилган тартибда белгиланадиган моддалар.

Кўрсатилган белгиларни кўриб чиқиш, нафақат аниқ моддани гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддасининг аналогли сифатида бир маъноли белгилаш механизмини аниқлаш имконини беради, балки гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг аналогларини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонунчиликда ишлатиладиган бошқа бир қатор ўхшаш тушунчаларидан фарқлаш ҳамда уларни аналоглар мақомида мавжуд бўлишининг вақт оралиғини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларда фақатгина гиёҳвандлик воситаларнинг аналоглари кўрсатилган бўлиб, психотроп моддаларнинг аналоглари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш эса жавобгарлик доирасидан четда қолиб кетган. Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ, нафақат гиёҳвандлик воситалари аналоглари, балки психотроп моддалар аналогларининг ҳам муомаласи таъқиқланган.

Бу борада чет давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганиш натижасида Россия Федерацияси, Грузия, Украина, Қозоғистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Болгария каби давлатларда психотроп моддаларнинг аналоглари учун жавобгарлик белгиланганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш ҳамда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва уларнинг аналогларини ғайриқонуний муомаласига қарши курашнинг жинорий-ҳуқуқий чораларининг самарасини ошириш мақсадида ЖКнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларнинг диспозицияларига жиноят предметлари қаторига психотроп моддаларнинг аналогларини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, жиноят предмети сифатидаги гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар уларнинг аналоглари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг жиноят предметлари ижтимоий белгига кўра жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилишни назарда тутуди. Яъни жиноят предмети, тажовуз объектини аниқлаш имконини беради, деган назарий қонундасини тасдиқлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999 йил 19 август 813-сонли Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарор.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–503-сонли Қонуни.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида., – Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти., – Б. 24.
5. А.Ю. Абрамов, Н.В. Косолапова, С.В. Тхай. Правовые признаки наркотических средств и психотропных веществ / Медицинский вестник Северного Кавказа, 2014., – Т. 9. – № 1, – Б. 110.
6. Э.А. Бабаян. Правовые аспекты оборота наркотических, психотропных, сильнодействующих ядовитых веществ и прекурсоров/ Э.А. Бабаян, А.В. Гаевский, Е.В. Бардин. – М.: МЦФЭР, 2000. – С. 440.
7. А.Д. Невирко. Понятие и классификация наркотических средств в легальном обороте. // Вестник Сибирского юридического института ФСКН России. 2016. № 1 (22)., – Б. 151–152.
8. А.С. Якубов, Р. Кабулов. Предмет преступлений, составляющих незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ / Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг назарий ва амалий жиҳатлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – Б. 8.
9. Майоров А.А., Малинин В.Б. Наркотики: преступность и преступления. СПб., 2002. – С. 108–109.
10. Романова Л.И. Квалификация преступлений, предметом которых являются наркотические средства и психотропные вещества. Владивосток, 2001. – С. 18.
11. А.В. Фёдоров. Аналоги наркотических средств и психотропных веществ как предмет контрабанды // Ученые записки СПб филиала РТА. 2012. № 3 (43)., Б.– 101.